

Ўзбекистон Республикаси номидан
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Самарқанд шаҳри

2023 йил 07 сентябрь

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси Р.М.Бегимов раислигида, судья ёрдамчиси Г.Камоловнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар [REDACTED] нинг жавобгар [REDACTED] га нисбатан киритган даъво аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий ишни, Самарқанд шаҳар иқтисодий суди биносида, видеоконференцалоқа режимида, очиқ суд мажлиси муҳокамасида, даъвогар вакили У.Мухаммеджонов (ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни-

А Н И Қ Л А Д И :

Самарқанд шаҳар иқтисодий судига даъвогар [REDACTED] даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво талабида жавобгар [REDACTED] дан 26 077 000 сўм асосий қарз, 13 038 500 сўм миқдорида пеня, 782 310 сўм давлат божи ҳамда 30 000 сўм почта харажатлари, жами 39 927 810 сўм миқдорида қарзни ундиришни сўраган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Ушбу ҳолатда, тақдим этилган ҳужжатлар ишни мазмунан кўриб чиқиш имкониятини беришини инобатга олиб, ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўришни лозим деб топди.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили У.Мухаммеджонов судга кўргазма бериб, даъво аризасидаги важларни такрорлаб, даъво талабини қисман қувватлаб, жавобгар томонидан бугунги кунга қадар даъво аризасида кўрсатилган асосий қарзини қисман тўлаганлигини, бугунги кунда 2 000 000 сўм асосий қарзи қолганлигини билдириб, судга бир томонлама тасдиқланган солиштира-далолатномани тақдим қилиб, даъво талабидаги асосий қарз 26 077 000 сўмнинг 7 000 000 сўми даъво аризаси судга тақдим этилган кунгача тўланганлигини тан олиб, даъвонинг асосий қарз қисмини 2 000 000 сўмга, пеняни қонун доирасида қаноатлантиришни сўради.

Суд, даъвогар вакилининг кўргазмасини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра, даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд мажлиси муҳокамасидан аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, [REDACTED] (кейинги ўринларда “Сотувчи”) ва [REDACTED] (кейинги ўринларда “Харидор”) ўртасида 2022 йил 23 августда 189-сонли шартнома тузилган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартларига кўра, «Сотувчи» «Харидор»нинг талабномаси асосида дори-дармонлар, тиббиёт ва гигиена маҳсулотлари, дезинфекцияловчи воситалар, кимёвий реактивлар, ёрдамчи воситалар, дорихона идишлари (бундан буён матнда “Товар” деб номланади) етказиб бериш, «Харидор» эса етказиб берилган товарларни белгиланган тартибда қабул



қилиш ва олинган товарлар ҳақини олдиндан пул ўтказиш йўли билан тўлаш мажбуриятларини олишган.

Мазкур шартнома бўйича “Сотувчи” томонидан “Харидор”га 2022 йил 23 декабрдаги 394-сонли ҳисоб-фактураси билан жами 28 512 000 сўмлик товарлар етказиб берилган, ўз навбатида “Харидор” томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинган.

“Харидор” томонидан жами 28 512 000 сўмлик товарлар қабул қилиб олинган бўлсада, 2023 йил 01 июнгача товарлар ҳақининг 3 435 000 сўми тўланган. Натижада, 2023 йил 01 июнь ҳолатига 25 077 000 сўм кредитор қарздорлиги вужудга келган.

Даъвогар томонидан жавобгарнинг манзилига 2023 йил 11 май ҳолатига мавжуд 26 077 000 сўм дебитор қарз ва унга ҳисобланган 13 035 000 сўм пеня, жами 39 112 000 сўм миқдоридаги қарздорликни ихтиёрий равишда 3 кун ичида тўлаб беришни сўраган. Акс ҳолда, мазкур қарздорлик суд орқали ундирилиши тўғрисида огоҳлантирилган.

Шундан сўнг, жавобгар томонидан 2023 йил 01 июнда 1 000 000 сўм, 2023 йил 13 июнда 2 000 000 сўм, 2023 йил 06 июлда 1 000 000 сўм, 2023 йил 07 августда 1 000 000 сўм, жами 6 000 000 сўм тўлаб берилган.

Бироқ, даъвогар даъво аризасини судга тақдим этаётган вақтда, жавобгарнинг жами кредитор қарзи 17 077 000 сўмни ташкил этишини инобатга олмаган.

Иш ҳужжатлари ва даъвогар вакилининг кўرғазмасига кўра, даъвогар даъво аризасини судга тақдим этган вақтда, яъни 2023 йил 18 август ҳолатига жавобгарнинг кредитор қарзи 17 077 000 сўмни ташкил этган.

Даъво аризаси судга тақдим этилгандан сўнг, жавобгар томонидан 2023 йил 04 сентябрь куни 3 000 000 сўм, 2023 йил 05 сентябрь куни 6 000 000 сўм, 2023 йил 06 сентябрь куни 8 077 000 сўм, жами 17 077 000 сўм тўланган.

Даъвогар вакилининг кўрғазмаси ва у томонидан судга тақдим этилган бир томонлама тасдиқланган солиштирма далолатномага кўра, бугунги кун ҳолатига жавобгарнинг даъвогар олдида 2 000 000 сўм кредитор қарзи бор.

Тарафлар ўртасида тузилган 189-сонли шартнома мазмунидан маҳсулот етказиб бериш шартномаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддасида, мажбурият - фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини саклашга мажбур бўлади, кредитор эса - қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади деб, 437-моддасида, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи – сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади деб белгиланган.

Мазкур ҳолатда, суд даъвогарнинг жавобгардан 26 077 000 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво талабининг 19 077 000 сўмини асосли, 7 000 000 сўм қисмини асосиз деб, даъво аризаси судга тақдим этилгандан сўнг жавобгар томонидан 17 077 000 сўм тўланганлигини, бугунги кунда жавобгарнинг кредитор қарзи 2 000 000 сўм эканлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари неустойка ундириш йўли билан ҳимоя қилиниши, 1-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор



мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланиши ва 261-моддасида неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлиши белгиланган, 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради деб белгиланган.

Шартноманинг 5.3.-бандида, етказиб берилган товарлар учун тўлов кечиктирилган ҳолда, “Харидор” “Етказиб берувчи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаши белгиланган.

Шунга кўра, даъвогар ушбу шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда, жавобгар томонидан тўловлар 182 (23.01.2023-25.07.2023) кунга кечиктирилганлиги сабабли 13 038 500 (26077000 x 0,5 фоиз x 182=23730070, 26077000*50%=13038500) сўм пеня ҳисоблаб, даъво талабида уни ундиришни сўраган.

Бирок, даъвогар пеняни ҳисоблашда хатоликка йўл қуйган. Аслида, шартномага асосан пеня ҳисобланганда 12 538 500 (25077000*0,5%*157(23.12.2022-01.06.2023)=19685445, 25077000*50%=12538500) сўм бўлиши лозим.

Бундай ҳолатда, суд даъвогарнинг 13 038 500 сўм пеня ундириш талабининг 12 538 500 сўм қисмини асосли, 500 000 сўм қисмини асоссиз деб ҳисоблайди.

Бирок, ФК.нинг 326-моддасида, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли, бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек, кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиши кераклиги, суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандида, ФКнинг 326-моддасига мувофиқ, суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли. Шу билан бирга, неустойканинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолатда суд, жавобгар томонидан суд жараёнида асосий қарзнинг аксарият қисми тўланганлигини, кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, жавобгардан ундирилиши талаб қилинган асосли 12 538 500 сўм пеняни 2 606 700 сўмгача камайтиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 2 606 700 сўм пеняни ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси, иккинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади, бешинчи қисмига кўра, даъвогарнинг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилса, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади, олтинчи қисмига кўра, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда



ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғриси”ги Қонунининг 18-моддаси, биринчи қисми, 1-бандига кўра, давлат божи қонунчиликда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланганида, тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 115-моддаси биринчи қисмига кўра, давлат божи қонунчиликда белгиланган ҳолларда қайтарилиши лозим. Ушбу модданинг учинчи қисмига кўра, давлат божи тўланган, лекин судга келиб тушмаган ёки ушбу суд қайтарган даъво аризалари (аризалар), апелляция ёки кассация шикоятлари бўйича ҳамда давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш назарда тутилادиган суд ҳужжатлари бўйича давлат божини қайтариш суд томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантиришни, жавобгар [REDACTED] дан даъвогар [REDACTED] фойдасига 2 000 000 сўм асосий қарз, 2 606 700 сўм пеня ҳамда олдиндан тўлаб чиқилган 316 155 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажатларини ундиришни, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни, ишни кўриш билан боғлиқ 82 500 сўм ВКА харажатларини жавобгардан ундиришни, олдиндан тўланган давлат божининг 75 000 сўм қисми даъвогар зиммасида қолдиришни, ортиқча тўланган 391 155 сўм давлат божини даъвогарга қайтаришни, давлат божини қайтариш тўғрисида маълумотнома беришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 180, 186-моддаларига асосланиб суд-,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъвогарнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] дан даъвогар [REDACTED] фойдасига 2 000 000 сўм асосий қарз, 2 606 700 сўм пеня ҳамда олдиндан тўланган 316 155 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Даъво талабининг 24 077 000 сўм асосий қарз ва 10 431 800 сўм пеня ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар [REDACTED] ҳисобидан Олий суд депозитига 82 500 сўм видеоконференцалоқа (ВКА) харажати ундирилсин.

Олдиндан тўланган давлат божининг 75 000 сўм қисми даъвогар [REDACTED] зиммасида қолдирилсин.

Ортиқча тўланган 391 155 сўм давлат божи даъвогар [REDACTED] га қайтарилсин. Қайтариш тўғрисида маълумотнома берилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар бир ой муддат ичида Самарқанд шаҳар иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти (протести) бериши мумкин.

Судья

Р.М.Бегимов

